

Бир катор вақтли нашрларда Михаил Шолоховни катагон килиш билан боглик воқеалар тафсилоти турлича талкин килинади. «Литературний Киргизстан» журнали таҳририяти Шолохов билан кўп бора учрашган, суҳбатлашган ёзувчи ва адабиётшунос Михаил Шкериндан мазкур воқеалар ҳақида асл ҳақиқатни ҳикоя килиб беришни сўради.

«Мен Михаил Шкериннинг хотира очеркларида ёзилган барча воқеаларни Михаил Шолоховдан эшитганлигига тўлиқ қафилман. Бу Михаил Шолоховнинг ўз ҳикоялари вариантларидан бирига ўхшаб кетади. Шундай экан, бу вариантни, албатта, ёритиш керак». Михаил Александрович Шолоховнинг ўз вақтидаги собик котиби Фёдор Шамагоновнинг фикри ана шундай.

Ўттиз еттинчи йилнинг кузагида кечкурун Вешенский станциясидаги Шолоховлар уйида ярим ҳарбий кийинган бир киши пайдо бўлди. У ўттиз ёшлар чамаси, ўрта бўйли, елкалари кенг, алп коматли эди. Салом-аликдан сўнг у Ростов области партия комитетидан хизмат сафарига келганлиги ҳақидаги гувоҳномасини кўрсатди. Таркибот ва ташвиқот бўлими инструктори Вешенскийга «махсус топширик билан» келган эди. — Михаил Александрович, дабдурустдан келганим учун кечиринг, — деди у узр оҳангда. — Колхозчилар уйида жой йўқ экан. Сизларникида тунашга рухсат берсангиз. Бу биринчи тасодиф эмас. Ўша пайтда Вешенскийда меҳмонхона йўқ эди, бу ерга иш билан ташриф буюрган обком ходимлари Шолоховникига жой сўраб кўп келишган. У обком пленуми аъзоси, шу туфайли ҳеч бир илтимосни рад этмасди. Оиласи катта — ўзи билан беш киши яшар, аммо уйи тўрт хонали, шу туфайли бир кечалик бошпана учун кийналмаса ҳам бўлади.

Бирок бу ягриндор баҳодир иккинчи ва ҳатто, учинчи окшом ҳам шу ерда тунади. Шолохов колхозчилар уйига сим қокиб, бўш жой бор-йўқлигини сўради. Жавоб уни ўйлантириб қўйди. Маълум бўлишича, жой бор экан. «Уч кун бурун аҳвол қандай эди?» Уч кун бурун ҳам бўш жой борлиги маълум бўлди.

Мана сизга хангома!

Текшириб қўришга аҳд қилди. Эртаси тонгда кузовида қайиғи бор юк машинаси уйига келишини сўради. Хотини Мария Петровнага деди: «Тонгда балик овига кетаман, хўрак тайёрла». Шу окшом ёмон ухлади, тонг отмасданок турди. Соч-соқолини олди, ювинди. Ошхонага чикса, у ерда инструктор ўтирибди — кийинган, тайёр.

— Ҳа, оч нахордан сизга йўл бўлсин? — сўради Михаил Александрович.

— Сиз-чи, сиз қаякка? — саволга-савол билан жавоб берди у.

Ишнинг чуви чикди.

— Балик овига бораёпман, — жавоб қилди Шолохов. — Ҳозир қайик ортган юк машинаси келади. Сизга йўл бўлсин эрта тонгданок?

— Мен ҳам сиз билан, — меҳмон бу гапни одатдагидек илтимос қилиб эмас, қатъий ва жиддий оҳангда айтди.

— Жин урсин, тушунтиринг-чи ўзи, нима гап?! — Михаил Александровичнинг бирдан жахли чикиб кетди.

— Йўл-йўлакай тушунтираман, — ваъда берди обком ходими нохуш киёфада.

Йўлга тушишди. Шолохов хайдовчи билан бакамти кабинада, унинг йўлдоши — кайик билан ёнма-ён кузовда. Станицадан икки километр юрилгач, кабина такиллади. Машина тўхтади. Обком ходими кузовдан сакраб тушди. Шолохов кабинадан чикди. Йўл ёкалаб кетишди. Шунда вилоят партия комитетидан хизмат сафарига келганлиги хакида гувоҳномаси бор киши гапира бошлади:

— Мен НКВД ходимиман. Мана, менинг гувоҳномам. Мана буниси эса, ёзувчи Шолоховни хибсга олиш ордери. Ўкиб кўринг.

Хаммаси ойдинлашди. Михаил Александрович хар иккала хужжат билан танишди.

Кечаги шубха-гумонлари тасдикланди.

— Нимаям килардик, — деди у, — буйрукни бажаринг.

НКВД ходими бир кўлида — кизил китобча, бир кўлида — хаворанг варака билан бир дакика жимиб колди. Нигохи каергадир юкорига кадалган. Шалвираган бир алпозда китобчани кители чўнтагига солди. Ордерга бир кўз югуртириб, уни тўрт катлади, майдалаб йиртиб, сочиб юборди. БўКик охангда деди:

— Ўзингизни куткаринг Михаил Александрович. Сизга бошка имконият бўлмайди. Шолохов хаяжонда эди.

— Каёкка хам борардим? Мамлакатнинг хохлаган бурчагидан топиб олишади.

— Факат Москвага, Сталиннинг хузурига. Факат тезрок.

— Сизнинг ахволингиз нима кечади?

— Кадимги рус маталларида айтилганидек: «Худо йўллаган ёкка». Хизмат сафарим муддати эртага тугайди. Эртадан сўнг мени излай бошлашади. Нима бўлса, бўлар.

Шолохов мамлакатда ягона, менга ўхшаганлар эса жуда кўп, — у кўлини чўзди. — Хайр Михаил Александрович. Эсон-омон етиб олинг.

Бир-бирининг кўлини сикиб ажралишди, НКВД ходими тупрок йўл бўйлаб чўлга кетди, Шолохов юк машинаси олдига кайтиб келди ва «Аэродромга хайда», — деб буюрди шофёрга.

Вешенскийдан Миллеровогача бир юз олтмиш километр, агар тўгри чикса — юз километрдан ортик эмас. Почта самолёти — елканли «ўрдакча» чамаси бир соатлар учади. Аммо йўловчи олмайди. Факат почта ва енгил посилкаларни ташийди. Шундай тасодифлар бўлганки, шошинч иш чиккан пайтларда Шолохов аэродром бошликларидан илтимос килар, уни — «кичик габаритли» пассажирни почта кутилари ўрнига олишарди. Бу сафар хам илтимосни рад этишмади.

Унинг ёнида пули бор эди. Кечаги шубха-гумонлардан боши котган ва ташвишга тушган адиб балик овига тайёрлана туриб «хар эхтимолга карши» уйдаги бор жамКармани ёнига солиб олганди. Кета туриб юк машинаси шофёрига тайинлади:

— Мария Ивановнага мени Москвага кетганмиш, деб айт. Шошинч иш чикиб колди.

Ўша пайтда Миллероводан Москвага авиация катнамасди. У эрта тонгдан кечга довур поездда борди. Вокзалдан такси билан «Москва» мехмонхонасига жўнади.

Староконюшеннийдаги ўзининг квартирасига боришга юраги дов бермади. Хибсга олиш хакидаги ордерга Ежов имзо чеккан, хойнахой, квартира хам назорат остига олинган бўлиши керак.

Мехмонхона директори яхши таниш эди, шу туфайли ундан илтимос килди:

— Мехмонхона маъмурасига айт, хозирча хужжатларимни расмийлаштирмай турсин.

Йўкса, хар галгидек мухлислар бостириб келишади. Менинг дунё-дунё шошилиш ишларим бор, бошка нарсага чалгимаслигим керак.

Директор уни тушунган каби кулди ва деди:

— Шолохов Москвадалигини бирор кимса билмайди, бемалол ишлайверинг, — деб ишонтирди.

Эрталаб Поскребишевга сим кокиб, унинг келганлиги хакида Сталинга хабар беришини илтимос килди. У рози бўлди ва сўради:

— Сен Староконюшеннийдамисан ёки «Москва» меҳмонхонасида?

Шолохов бу саволни кутган эди, шу боис тутилмасдан жавоб кайтарди:

— Мен бир ошнамникидаман, Староконюшеннийга бормадим, ўзиям чанг-тўзонга тўлиб кетгандир-ов?

Поскребишев кулди:

— Мухлислардан кочиб юрибсанми? Майли, майли кочавер, келганлигинг хакида, албатта, айтаман. Эртага кўнгирок кил.

Жудаям хушмуомала. Демак, ордер хакида ҳеч нарса билмайди, йўкса суҳбат бошқача кечарди.

Михаил Александрович хонадан чиқмади. Тушлик ва кечки овқатни телефон орқали буюрди. Келтиришди. Вактни ўтказиш мақсадида ён дафтарчасига у-бу нарсаларни кайд килмокка уриниб кўрди, аммо миясига ҳеч нарса келмади.

Ежовнинг ордердаги имзосини такрор-такрор эслади. Умуман, ишона олмасди: шундай самимий, илтифотли одам Николай Иванович «Очилган кўрик» хакида қандай тўлқинланиб гапирган эди ва бирданига — хибсга олиш хакида ордер! Шолохов унинг Лубянкадаги уйида бўлган, Иван Макарьевни химоя килганди. Ҳе йўк-бе йўк, унга ёпишдилар ва камокка олдилар. Фуқаролар уруши катнашчиси, ажойиб партия ходими, Ёзувчилар уюшмаси бошқаруви котибларидан бири, қарабсизки, турмада! Ежов Шолоховни тинглаб бўлгач, «Майли, текшириб кўрамиз» деди-ю, гапни театрга буриб юборди. Шолохов ўтиниб сўрай бошлади:

— Ўртоқ нарком, илтимос, буйруқ беринг, Макарьевни озод килсинлар.

Ежов самимий кулги билан уни тўхтатиб қўйди:

— Бу қанақа тақаллуф бўлди, Михаил Александрович. «Ўртоқ нарком!» эмиш. Мен қандай муомала қилаётган бўлсам, сиз ҳам исм-фамилиямни атаб мурожаат қилинг. Макарьевнинг ишини бўлса қўриб чиқамиз, ваҳима қилаверманг.

«Мана, ҳал қилишди! Макарьевни-ку қўйиб юборишмади, энди эса менинг номимга ҳам ордер!» У эшик ва дераза оралигида у ёқдан бу ёққа бориб келар, ёзувчилар билан бўлган учрашув лаҳзаларини титраб-қакшаб эсларди. Эҳтимол, бирор нарсани мавридсиз айтиб юборгандирман? Йўк-йўк, ҳеч нарса бўлган эмас!

Кечаси билан қийналиб чиққан Шолохов эрталаб Поскребишевга яна кўнгирок килди. У хушмуомала оҳангда жавоб кайтарди:

— Айтдим. Ўртоқ Сталин «кутиб турсин» деди, ҳафа бўлаверма, қабул қилади. Эртага боғлан.

Эртасига кечаги воқеа яна такрорланди. Беш кунки, қаторасига шу аҳвол. Қўлида ордер билан эшикни тақиллатиб остонада пайдо бўладиган одамни кутишга асаблари бардош беролмай, тинка-мадори қуриган Шолохов кечқурун меҳмонхона ресторанига сим кокиб, бир шиша қоньяк олиб келишларини илтимос килди. Келтиришди.

Бу оқшом жудаям, жудаям узун кечди.

Тонг отар чоғи навбатчини чақириб, яна бир шиша ароқ топиб келтиришини сўради.

Ресторан соат ўн бирда очилади, буфет эса — тўқкизда. Аммо навбатчи топиб келтирди. Бу ердагилар бундай тасодифларга кўникиб, мослашиб кетишган.

Энди узундан-узук кун бошланди.

Калласида минг бир ўй. Уни нима кутаяпти? Бруно Ясенский, Борис Пильняк ва бошқа яна кўпларни олиб кетишганини эшитган. Энди унга ҳам навбат келиб турибди. Аммо Сталин-чи! Нахотки ёрдам бермаса? Ахир у билан хар хил кабуллар чоги неча бор учрашган! Шохоловнинг олдига ўзи келиб кўл бериб сўрашган, яхши гаплар айтган. Нахотки ёрдам бермаса?

Икки йил бурунги сўнгги учрашув ёдига тушди. Ростов области партия комитети бюроси уруглик ва озик-овкат ссудалари билан Сталиннинг хузурига боришни илтимос килди. Дон тайёрлаш режасини бажариш учун колхоз омборидаги барча галлани топширишган. Экиш мавсуми якинлашяпти, уруглик эса йўқ. Хатто, ейишга ҳам.

Обкомда тайёрланган папка ва биринчи секретарнинг Сталин номига ёзган хати билан Москвага келди ва Поскребишевга кўнгирок килди, у «хўжайин»га хабар берди. Михаил Александрович қабул килинди. Сталин ёзувчини очик чехра билан карши олди, аммо кандай максадда келганлигини билгач, турки ўзгарди.

— Ўзингизга номакбул ишга кўл урибсиз, ёзувчи Шолохов, — деди у катъий. Хатни ўкиб кўрди, папкадаги хужжатларни бирма-бир вараклади. — Режадан сўнг колхозда на уруглик, на озик-овкат колди, деб ёзишибди. Колхозчиларда эса хали товук бор!

— Ахир ўрток Сталин, экишга хеч вако йўқ! — журъатсиз эътироз билдирди Шолохов. — Колхоз омборлари бўм-бўш.

Сталин папкани ўзи томон тортди, обкомнинг хатига резолюция ёзди, числосини кўйди.

— Факат ёзувчи Шолоховга хурматим туфайли. Огохлантириб кўяман: бундан кейин ўзга ишларга аралашманг. Сизга соглик ва ижодий кайфият тилайман! — Сталин столнинг у томонидан кўлини чўзди. Юзлари тошкотган эди.

Хўш, ёрдам берадими, йўқми? Соатига каради. Кўз олдини туман коплаган, ракамлар сакрарди. Нахотки кечкурунги саккиз бўлса? Поскребишев хозир ўз ўрнида бўлиши керак. Кўлини телефонга чўзди ва бирдан тортиб олди. Мумкин эмас. Мастман. Айнан шу пайтда телефон каттик ва узундан-узук жириглаб колди. Мехмонхона директори бўлиши керак. Шолоховнинг бу ердалигини ундан бошқа хеч ким билмайди. Трубкани кўтарди: «Эшитаман».

— Нега кўнгирок килмай кўйдинг? — Салом-аликсиз сўроқка тутди Поскребишев. —

Ўрток Сталин кутяпти. Сенга машина кетган.

— Хозирми? — кўркиброк сўради Шолохов. — Машина каёкка жўнатилган?

— Каёкка бўларди, сенга, «Москва» мехмонхонасига.

— Менинг бу ердалигимни кандай билдинг?

Поскребишев кулди:

— Хизматчилик, азизим, хизматчилик. — Ва бирдан бошқа охангда деди: — машина айтилган вақтда хузуригга боради. Кутаман.

— Александр Николаевич, — ялинишга тушди Шолохов, — мен хозир боролмайман. Шу кунларда ниҳоятда асабийлашдим ва тунда ичдим. Ахир, охирги марта қачон ичганлигимни ҳам эслай олмайман. Хозир эса асаблар... Ҳазилми ахир, олтинчи кун!

— Ўрток Сталин кутяпти, — катъий такрорлади Поскребишев ва трубкани кўйиб кўйди.

Нима килиш керак? Бормасинми? Унда ордер нима бўлади. Мумкин эмас, бормаслик мумкин эмас! Бу ахволда бориб ҳам бўлмайди. Сталиннинг олдига маст холда бориш — ақлдан озишдай гап! Эшик такиллаши бу телбанамо ўйларга барҳам берди.

Беш минутдан кейин уни хаяжонланган Поскребишев карши олди. Койиниб, тирсагидан ушлади-да, уни ваннали хонага судради. Шолоховнинг бошини тизиллаб оқаётган муздай сувга тикди. Икки-уч минут шу ахволда ушлаб турди. Сўнгра унинг кўлига тарок тутказиб: — Сочларингни тара, ана ойна, — деди.

У таранди, гимнастёркасини, мўйловни тўгрилади ва деди: — Тайёрман!

Поскребишев уни Сталин кабинети эшиги томон итараркан: «Омад ёр бўлсин» деб кўйди. Остонадан ўтибок Михаил Александрович донг котиб тўхтаб колди. Сталиннинг ёзув столига кўндаланг кўйилган узун стол атрофида Сиёсий бюро аъзолари ўтиришарди. — Ўтиринг, ўрток Шолохов. Бу кўп давом этади. Шолохов ўтирди. Сталин Сиёсий бюро аъзоларига тушунтирди: — Ёзувчи Шолоховни хибсга олиш хакида ордер берилган. Айблов хулосасини эшитамиз. Кани ўкинг, ўрток Ежов.

Дастлабки сўзларок Шолоховни таажжубга солди. У контрреволюцион ҳаракатлари учун айбланарди. Хатто фактлар ҳам эътироз қилиб бўлмайдигандек эди гўё. Шу число, шу ой, шу йил, фалон соат, фалон минутда Шолоховнинг Вешенский станицасидаги уйига фалон колхоз раиси — исми, фамилияси, отасининг исми — келди. Уйда шунча вақт бўлди. Бир кундан сўнг номи зикр этилган колхозда икки гарам пичан ёниб кетди, моллар кишда емишсиз колди. Шу число, шу ой, шу йил, фалон соат, фалон минутда, Шолоховнинг уйига шунга ўхшаш МТП директори — исми, фамилияси, отасининг исми, — кадам ранжида килди, шунча муддат уйда бўлди, икки кундан кейин ушбу МТП хизмат кўрсатадиган колхоз далаларида учта комбайн ва олти трактор ишдан чиқди. Колганлари ҳам ана шундай руҳда эди.

Михаил Александрович тинглади, эслаб кўрди. Дарҳақиқат, номи тилга олинган одамлар ҳар қайсиси ўз илтимоси билан униқда бўлишган. Кимдир райкомдан, ўзини химоя қилишни сўраган, кимдир прокурорнинг Кайриконуний ишларидан шикоят қилган. МТП директорини ҳам эслайди. У трактор ва комбайнлар учун эҳтиёт қисмлар олишда ёрдамлашишни илтимос қилган.

Коллективлаштириш хақидаги машҳур роман автори ҳузурига нафакат яқин-атрофдаги колхоз ва МТПлардан — мамлакатнинг барча бурчакларидан одамлар келишарди.

Маҳаллий раҳбарлардан адолат қутишдан умидсизланганлар болаларча ишонч билан Шолоховга мурожаат қилишарди. — У ёрдам беради, бизни тинглайди, керакли жойга ва зарур кишига кўнғирок қилади. Ва муродимиз ҳосил бўлади, деб ўйлашарди.

Шолохов келувчиларга ўзининг ҳокимият эмаслигини тушунтирар, аммо ҳар доим ёрдам беришга уринарди — баъзан бунинг уддасидан чиқарди ҳам. Бесим телеграф муваффақиятлари уни бу ерда ҳам, у ёқда ҳам машҳур қилиб юборди, натижада илтимос қилувчилар тўдаси кўпая бошлади.

Мана оқибат: «контрреволюция!» Кани энди колхоз раисига пичан Қарамларини ёкиш, МТП директорига эса комбайн ва тракторларни ишдан чиқариш хақида шипшитиб қўймаганлигини исботлаб ҳам кўрчи?!

Шолохов ана шулар хақида ўйлар, Ежов эса ўқишда давом этарди. Машҳур адабиётчиларнинг ҳам фамилиялари тилга олиндики, улар Шолоховнинг Сиёсий бюро аъзолари хақида, хатто ўрток Сталин тўғрисида ҳам беандиша сўзлар айтганлигини ўз қулоқлари билан эшитишган эмиш. Тагин ҳаммаси тўла-тўқис: қаерда, қачон, қандай шароитда, қимларнинг гувоҳлигида.

Узун стол атрофида ўтирганлар қимир этишмайди. Ҳаммасининг нигоҳи ерда.

Ва ниҳоят, маъруза тугади. Ежов қора папкасини ёпди, ўтирди ва графиндан сув қуйиб ичди. Сталин бироз паузадан кейин сўради:

— Сиёсий бюро аъзоларининг фикри кандай?

Хамма жим. Сталин бир дакича кутди, ўрнидан туриб эшик томон юрди. Келяпти-ю, Шолоховга тикилади. Шолохов ўрнидан кўзгалди, харбийчасига котиб турди. Сталин унинг кўзларига тикилганича тобора якинлашмоқда. Шолохов ҳам кўзларини олиб кочмади. Ёнма-ён бўлишгач, Сталин бир лахза тўхтади ва яна юрди. Шолохов ўгирилиб унга каради. Эшикка етишга сал колганда Сталин оркага кайтди. Юмшок гиламда унинг кадам товушлари эшитилмас, факат формали кийим-боши шитирларди.

У ўз столи ёнига кайтиб келди ва яна сўради:

— Кани, Сиёсий бюро аъзоларининг фикри кандай?

Тагин чурк этган овоз бўлмади.

Сталин трубкага тамаки тика бошлади. Тамакини жойлаштириб бўлгач, чекди ва учинчи бор сўради. Яна сукунат. Сталин узундан-узок сукунатни кутиб турди ва катъий охангда деди:

— Саводсизларча ёзилган хужжат! Бу ярамас иншони ахлатга чиқариб ташланг ўрток Ежов.

Ва бирданига кучли товушлар тўлкини пайдо бўлди:

— Тўппа-тўгри.

— Росаям тўқишибди.

— Мамлакатнинг энг яхши ёзувчиси бўлса-ю — яна хибсгами?

1942 йил 21 майда «Правда»нинг харбий мухбири Шолохов Тугилган кунини нишонлаш максатида фронтдан Москвага келди. Таклиф килинган бир гуруҳ офицерлар ҳам у билан бирга эдилар. «Националь» меҳмонхонасига тўпланишди.

Одамлар эрталаб ўк ёмғири остида окопларда эди. Кечкурун хазил-мутуйиба билан серхашам дастурхон атрофида ўтиришарди. Шолохов худди окоплардагидек «норкомчасига» юз граммлик кружкаларга эмас, товланаётган биллур рюмкада арок куйди.

— Дўстлар, — паст овозда бошлади Шолохов, — мен бу бир кунлик отпускани сизлар учун тасодиф туфайлигина олишга эришдим.

Эшикнинг каттик такиллаши унинг нутқини бўлди ва рухсат кутиб турмасдан хонага навбатчи администратор кирди:

— Сизни телефонга чақиришяпти, Михаил Александрович. Мудофаа халк комитетидан. Шундай дакикаларда шу керакмиди! Шолохов навбатчини койиб берди: кимки уни сўрайдиган бўлса, эртага кўнгирок килсин. Факат харбий линиядан ташкари.

— Сўранг, ким. Телефон номерини ёзиб кўйинг, ўзим сим кокаман.

Администратор кетди. Михаил Александрович нутқини давом эттирди. Тугилган кун-куролдош дўстларнинг маданий шароитда учрашувлари учун энг яхши бахона. У ана шундай кутловдан хурсанд.

Администратор хонага такиллатмасдан чошиб кирди ва бидирлаб кетди:

— Телефонда ўрток Сталин!

Тўгри, Шолохов Сталинга кўнгирок килган, факат Поскребишев оркали. Аммо Сталиннинг Шолоховга сим кокиши — ҳеч қачон бўлган эмас. Бу мутлако ишониб бўлмайдиган хол.

Зина бўйлаб навбатчи хонасига югуриб тушди. Трубки олди-ю, харбийчасига ахборот берди:

— Салом, полковник Шолохов. Маршал Сталин гапираяпти. Нима бу, азизим, шодиёнангизга мени таклиф килмадингизми? Лейтенант ва капитанларни чақирасиз.

Олий бош кўмондонни назар-писанд килмайсиз-а? Яхши эмас, ўрток полковник, яхши эмас.

— Шундай, ўрток Бош кўмондон — Шолохов Сталиннинг хазиллашаётганлигини тушунди, — полковник Шолоховнинг чакиришга хадди...

— Сиз мени таклиф килмасангиз, унда мен сизни таклиф киламан. Тугилган кунингизни менинг дала ховлимда нишонлаймиз. Машина жўнатилган.

— Мен хурсандман, жудаям бахтиёрман, — хаяжонланганча гулдуради Шолохов, — факат кандай бўларкан... Дастурхон атрофида меҳмонларим бор...

Сталин жарангсиз, бўйик кулди.

— Менга тўнкаринг. Олий кўмондон таклиф килаяпти, десангиз, хафа бўлишмайди, деб ўйлайман.

Шолохов хонага — меҳмонлар хузурига кайтганда шофёр ўша ерда эди. Йигирма минутлардан кейин машина шаҳар ташкарисига чиқди. Калин девор, дарвоза, унинг устида хира лампочка. Атроф — ўрмон, жонзот йўк. Дарвоза очилиб, машина кирди, хиёбон бўйлаб анча юргач, икки каватли уй подъезди олдида тўхтади. Шолоховни дахлиздан озгин кекса аёл қарши олди.

— Ечиниб бу ёкка ўтинг, — деди у боши билан ёпик эшикка имо қилиб.

Шолохов Бош кўмондон қароргоҳида уни ҳарбий кишилар қарши олишини кутганди. Ахир соқчилар ҳам бўлиши керакку. Бу ерда эса шу озқин кампирдан бошқа — дарвозада ҳам, подъездда ҳам, дахлизда ҳам ҳеч ким йўк. Нахотки, унинг феъл-атвори шунчалик оддий?

Катта ойна қаршисида кители ёқасини тўғрилади, мўйловини силаб, эшик томон юрди.

Эшик оғир бўлишига қарамасдан бешовкин ва охиста очилди. Катта хонадаги икки кишига мўлжалланган доира стол атрофида, олдида очик китоб билан Сталин ўтирарди. У уй қийимида — оддий очик жигарранг баркут костюмда эди.

Шолохов учун бу қутилмаган воқеа эди, шу боис у туш кўраяпманми, деб ўйларди.

Сталинни ҳарбий эмас, граждон қийимида, тагин баркут қамзулда кўришни ақлга сиқдириб бўлмасди.

Михаил Александрович бешовкин кирди, аммо Сталин эшитди. Китобни бир ёнига суриб, ўрнидан турди, уни қарши олди. Чехраси очик, қулгига мойил эди. Қўл ушлашиб кўришди, қучоклашишди, сўнгра уни стол олдига олиб қелиб, деди:

— Ўйлайманки, икковимиз, зерикиб қолмаймиз. Яхшилаб ўтириб олинг.

Дастурхонда лимонли сомга (балик тури) тилимчалари, юпка қилиб қесилиб пишлок кўшиб қимланган қолбаса, ҳозиргина қелтирилган помидор, бодринг, қўк пиёз, шивит, яна қанақадир қўкат. Сталин сўради:

— Нима ичамиз?

Шолохов шу оҳангда жавоб қайтарди.

— Ароқ, ўрток Сталин.

— Қўйинг-е, Михаил Александрович! Биз сиз билан бу қаттақон давлатда Тугилган қунда ароқ ичадиган охирги одамлар эмасмиз. — У ўрнидан туриб девор ёнидаги буфетга борди. — Менга грузинлар бир шиша қўхна қоньяқдан жўнатишибди. У похолдан тўқилган идишдаги олтинранг шишани олди.

Қайтиб қелиб, рюмқаларга қоньяк қуйди ва тагин гапирди:

— Мен сизни нима учун таклиф қилдим, биласизми! Сизни табриқлаб қадах қўтаргим қелди. Уруш қетяпти. Оғир. Жудаям оғир. Галабадан кейин бу ҳақда қим яхшилаб ёзади. Худди «Тинчоқар Дон» қаби муносиб асар! — у қўзи билан очик китобга ишора қилди. —

Мана, кайтадан ўкиб чикяпман. Жасур кишилар тасвирланган. Мелехов ҳам, Подтелков ҳам, бошқа кўплаб кизиллар ва оклар ҳам бор. Суворов ва Кутузов сингарилар эса йўк. Уруш эса, ўрток адиб, айнан ана шундай буюк саркардалар билангина галаба козонади. Бугунги Тугилган кунингизда сизга узок йиллар мустахкам соглик ва худди «Тинчокар Дон» сингари ёркин, хакконий воқеаларни акс эттирган кенг камровли янги таланти асарлар яратишингизни тилайман. Унда кахрамон солдатлар ҳам, генерал саркардалар ҳам, хозирги дахшатли уруш катнашчилари ҳам ўз инъикосини топсин.

Шу сўзлардан сўнг Сталин рюмкани кўтарди. Шолохов ҳам. Тўкиштирдилар. Ичишди.

Сўнгра Шолохов:

— Рахмат самимий сўзлар учун, — деди. — Юксак ишонч учун ҳам. Ўйлаб кўраман. Хали билмайман, кувватим етадими, йўкми.

— Етади, — ишонтирди Сталин. — Хозирги рус адабиётида Михаил Шолохов — энг буюк сиймо.

— Ишонтиришга журъат килолмайман, — Шолохов бундай «авансли» юксак мактовдан хижолат тортди. — Хозирча бир нарсани ваъда килишим мумкин: ўйлаб кўраман, кенг камровли роман учун урушдаги турфа хил одамларни кузатиб бораман, катъий сюжет топишга уринаман.

Сталин гапни илиб кетди:

— Сизни айнан ана шундай фикрга илхомлантирмоқчи эдим. Уруш буюк саркардалар галабаси билан якунланади, забардаст бадиий асарларни эса буюк адиблар ёзишади.

Шулар ва бошқалар учун ҳам ичамиз!

Дастурхон бошида ярим окшомгача ўтиришди.

Машина эшик олдида кутиб турарди. Сталин кузатишга чикди. Каттик кўл сикишишлар билан хайрлашдилар.

Поклонний горадан «Националь» меҳмонхонаси сари борар экан, Шолохов кутилмаган учрашувни хаяжон ва безовталиқ билан эслади. Дастурхон бошидаги биринчи дакикалариданок у Олий бош кўмондоннинг максadini тушунди: ёзувчи эркин шароитида, қарийб ўзаро тенг суҳбат жараёнида унга рўпара ўтириб тикилсин, бу уруш ва унинг саркардалари ҳақида «кенг камровли» романи қандай ёзиш кераклигини тушуниб олсин.

Яна эслади: уруш темаси ҳақидаги суҳбат якунлангач, у ёппасига коллективлаштиришда ва кулоқ қилиш билан боғлиқ хатолар хусусида гапиргиси келди. Шолохов «Очилган кўрик»нинг иккинчи қитобини ёзишни урушдан олдин бошлаган эди, бироқ боши берк кўчага қириб қолди. Кулоқ қилинган деҳқончилик билимдони Титок Бородиннинг фожиявий тақдирини ўрганиш уни ўйлантириб қўйди. Оиласидан шунча узокда унинг ахволи қандай кечдийкин? Аммо Сталин билан бу ҳақда суҳбатлашишга журъат қилолмади. Жойи эмасдай туюлди... Афсус, бўлмади. Шофёр билан хайрлашар экан, сўради:

— Сокчиларсиз у қандай ўтирибди-а?

Шофёр қулди:

— Сездемадингиз шекилли? О, бу жуда катта санъат?

1951 йил ёзида Шолохов Ефим Пермитин билан бизни Вешенскийга — қаллик овига тақлиф қилди. Унинг янги уйида бир ҳафта яшадик. Қундуз қаллик овладик, кечаси тугалланмас адабий суҳбатлар қилардик. Ўша пайтларда у ўзининг Сталин билан бўлган учрашуви ҳақида ҳикоя қилганди. Бир қуни ундан сўрадим..

— Уруш ҳақидаги «кенг камровли» роман нима бўлаяпти?

У кўллари кўкрагига кўйганча узок вақт индамади. Биз Пермитин билан унинг «Хохлайсизларми, бир бобини ўқиб бераман» дейишини кутгандик. У оғир ва охиста тарзда бутунлай бошқача гапирди:

— Ўйлаб ўйимга етган эмасман. Буюк саркарда образи чикмаяпти. Поскребишев кўнгирок килиб роман учун Генштабнинг архивидан ҳеч қандай ҳужжат керак эмасми, деб сўрагани. Ўтган ҳафта оғзи сўргичланган катта бир қоп қогоз жўнатишгани. Хали тартибга келтирганим йўқ. Гап ҳужжатларда ҳам эмас... Ўзимга сезиляптики, негадир ёпишмаяпти.

Оқшом Пермитин мени уйготди — биз у билан бир хонада ётардик, секин шивирлади:

— Биласизми, у ҳозир қандай ҳавф остида? Уруш тугаганига олти ой бўлаяптики, ваъда қилган романидан хали дарак йўқ. Буюк саркарда унга ўзини ҳар тамонлама кўрсатди: уни турмадан кутқариб қолгандай бўлди, Тугилган кунини ўз дачасида нишонлади, Шолохов унинг рухсати билан мени қамқондан чиқариб олди. Буюк саркарданинг фикрича, буларнинг барчаси учун у товуни тўлаши керак. Михаил эса тўламаяпти. Бошқа бир қуни Шолоховнинг ўзи узилиб қолган суҳбатга қайтди. Гўё у яхши ухлаймаган, фақат шулар ҳақида ўйлаганга ўхшарди.

— Ваъда қилинган ва ёзилмайдиган роман менинг учун ҳудди қатта йўлдаги ёпик шлагбаумга ўхшаб туюлади. Мени «Очилган кўрик»нинг иккинчи қитоби устидаги иш безовта қиляпти, аммо уни давом эттиролмаяпман. Титок Бородин оиласининг тақдирини фақат Сталиннинг рухсати билангина ёзиш мумкин. Унинг олдида бу илтимос билан бориш учун кўлингга уруш ҳақидаги роман бўлиши керак. Ҳеч қандай чора йўқ. Қелгуси сафар мени Вешенскийда — Шолоховникида эллик тўртинчи йил бўлдим. Уникида бир ҳафта яшадим. Хопреда қалиқ тутди. Бир қуни эрта тонгда у қонамга қириб, оёғимни қилқилаяпти:

— Қанча ухлаш мумкин! Тур, гап қор.

Рус дехқончилиги темаси уни жуда тўлқинлантириб юборарди.

— Мен нима учун Вешенскийга қолганим қолдим? Бу ерда дехқонлар билан қамқон яшайсан. Бизнинг барча қулқатларимиз дехқончилиқни тушунмаслиқимиздан. Ленин қуни яхши тушунгани, биз эса қадрига етмаймиз. Қоллективлаштириш яхши ва қарур иш. Аммо нега энди «ёппасига» экан? Нега тўс-тўпонли қавишда? Қулоқ қилиш нима учун? Дехқончилиқ — буюқ синоат. Уддабурон дехқон ўз қишлоқи қанорасидаги қар қарич ердан қандай қойдаланишни, қарга нима эқишни яхши қилади. Қорвачилиқда ҳам шундай. Дехқонга ёрдам қериш қарак эди, биз эса Титок Бородин синқари энг қобилиятли, уддабурон, идрокли дехқонлардан ерни тортиб олдик, оиласи билан, ҳудо қилади, қарларгадир қувгин қилдик. Ва оқибат, қонсиз, гўштсиз ва сутсиз қолавердик. Мен уни қайрат ва безовта бўлиб тинқладим. У гапдан тўхтагач, сўрадим:

— Қахотқи, сен буларнинг қаммаси ҳақида «Очилган кўрик»нинг иккинчи қитобида ҳиқоя қилсанг?

У қамгин қилмайди ва қуқур ҳўрсиниб гапира қетди:

— Шундай қилиш қарак. Мехнатқаш Титок Бородинни оиласи билан ўз она-ерига қайтармоқ лозим. Ҳудди у синқари дехқончилиқимиз ва қорвачилиқимизнинг бошқа талантли усталарини ҳам қайтариш қарак. Беш-олти йилдан сўнг, нақарат ўз мамлақатини, бутун Европани озик-овқат билан қўмиб ташлаган бўлишарди. Аммо, қурсатни бой бердик! Ҳозир ундай қишиллар йўқ. Қатто ишонқ ҳам йўқ. Мақодо ёзган тақдирда ҳам қиқаришмайди.

Унинг юзларида қандайдир ақчик қисмат зоқир эди. Узок ўйланиб қолди, мен қутдим.

— Якинда «Правда» тахририятининг илтимоси билан кўриқка бордик. Неча юз йиллардан кейин бу ерда биринчи бор ер ҳайдашмоқда. Хосил нихоятда мўл. Биз эса «ура» деймиз хор бўлиб. Хосилни эса нобуд киламиз. Тешик юк машинасидан дала йўли бўйлаб кета-кетгунча галла тўкилган. Галла далада, ўрим-йигим пайтида, Миср эҳромлари каби хирмон килиб уюлганда ёмгир остида колмоқда, намиқмоқда, чиримокда, улардан буркираб буг кўтарилмоқда. Ана шу ахволда неча минг тонна галла нобуд бўлганлигини ҳеч ким билмайди. Дахшат, дахшат!

Буларнинг барчасини мен очеркимда айтдим. «Правда» бош муҳаррири Поспелов титровка тушиб колди. Шунда мен Марказий Комитет секретари Суслов хузурига кирдим. У ўкиб, катъиян ман килди. Мана сизга асл моҳият: очилган кўриқдаги нуксонлар ҳақидаги очеркни ёритиш мумкин бўлмапти-ю, коллективлаштириш давридаги Марказий Комитетнинг хатолари ҳақида роман ёзишга йўл бўлсин!

Орадан уч йил ўтгач, Шолоховнинг Москвадаги квартирасида бу суҳбат яна қайтадан такрорланди. Эллик еттинчи йилнинг сентябрида Михаил Александрович Хрущёвнинг таклифи бўйича Ялтадан ўримга томон кетиладиган йўлнинг олтинчи километрида жойлашган дачада бўлди. У Москвага умидвор руҳда қайтиб келди. Уни бундай руҳда кўриб, биз Пермитин билан кувондик. Самарали учрашув бўлибди. Шолохов шундай деб хисоблади.

— Коллективлаштириш ва кулоклаштириш ҳақида ҳам гап бўлдимиз? — сўрадим мен.

— Бўлди. — Михаил Александровичнинг ковоқи осилди. — Хрущёв кулоклаштириш билан ёппасига коллективлаштириш даврида ковун туширишганини тўғри деб топди, аммо бу темага қайтишни арзимаёди, демокда. Унинг фикрича, колхозчилар ўзини оклаяпти, кулоклаштириш билан боглик воқеаларни эса энди тузатиб бўлмайди. У даврдаги дехконлар эндиликда йўқ.

Пермитин гапга аралашди:

— Цензура ҳақида ҳам гап бўлдимиз?

— Бўлди, бўлганда кандок, — Шолохов жонланди. — Хрущёв замонавий асарлари учун ёзувчилар энди таъкиб остига олинмайди, деб ишонтирди. Албатта, биринчи планда ижобий қаҳрамон туради, аммо камчиликлар ҳақида ҳам сукут саклаш керак эмас. У айниқса, бюрократизмни фош этишга чақирди.

Шолохов Хрущёв дачасида саккиз кун бўлган эди.

Бир куни эрта тонгда — хира-шира ёруқликда улар иккови денгиз бўйига чиқишади.

Жим кетишмоқда, тўлкиннинг шовкини ҳам эшитилади. Бирданига Хрущёв:

— Хохлайсизми, мен сизга эртақ айтиб бераман, — деб колди. Шолохов унга хайрат билан тикилди. — Ҳа, ҳа, эртақ — сичконлар мушукни қандай дафн қилишгани ҳақида. Мана бу тошга ўтириб олайлик.

Ўтиришди.

— Хайратланаяписизми? — сўради Хрущёв. Ва тушунтирди.

— Сталин қандай ўлганлиги ва биз Марказий Комитет Президиуми аъзолари унинг хузурида қандай титровка тушганлигимиз ҳақида. Кечкурун у соғлом ва кувнок эди, ўз дачасига яхши кайфиятда жўнаб кетди. У ҳар доимгидек ўзи одатланган вақтда ётади, эрталаб эса хобхонадан чикмайди. У ўта пухта одам эди. Унинг дачасида бўлган ходимлар безовталанишарди. Бир соат, икки соат ўтди. Эшик ортида тик этган товуш йўқ. Эшик эса ичкаридан пўлат зулфак билан ёпилган эди, негаки Сталин ўз ҳаётини ҳеч қандай кулфга ишонмасди. Эшикни очишнинг иложи йўқ эди. Такиллатишга эса ҳеч ким журъат қиломасди. Кўркишардики, гўё уни уйқусизлик қийнаган, тонг отиш олдидан кўзи

илинган бўлиши мумкин?

Сокчилар бошлиги Маленковга кўнгирок килди. У Марказий Комитет Президиуми аъзоларини зудлик билан чакирди. Хрущёв таъкидлаганидек, барча аъёнлар, Сталиннинг дачасига йўл олишади. Улар навбат билан оёк учида эшик олдида келишар, тиркишга кулогини тутишарди. На товуш, на шитирлаш эшитилади. Ухляптами ёки унга бирор нарса бўлдимиз? Буни кандай аниклаш керак? Такиллантиш лозим эди, аммо ҳеч кимнинг ҳадди сигмасди.

Нима килиш керак? Президиум аъзолари мунтазам шивирлаб маслахатлашар, аммо бирор қарорга келишолмасди. Шу зайлда ўн саккиз соат ўтди.

Нихоят, хобхонада нимадир огир гурсиллади. Сталин дивандан йиқилиб тушди, деб ўйлашди. Шу онда бир овоздан эшикни очишга келишилди. Дурадгор ва слесарь асбоб-ускуналари билан аллақачон шу ерда эдилар. Очишди. Сталин кўзлари юмук, осмонга қараганча диван ёнида гиламда ноқулай ахволда ётарди. Унинг огир нафас олаётганлиги эшитилиб турарди.

Унинг олдида биринчи бўлиб врач келди. Текшириб кўрди, у ёк-бу ёқини пайпаслади, томир уришини санади ва деди:

— Жуда огир тасодиф. — Ва кўли билан: тамом, умид йўқ, дегандай килди.

Шунда Берия гиламда ётган кишининг қошига одимлади. Барча тўпланганларга кўз югуртириб чикди ва тантанавор овозда эълон килди:

— Хукмдор йиқилди! Ўлди!

Бу кичкирикдан Сталин уйгонгандек бўлди, чап кўзини очди, Берияга бир лахза қараб турди, сўнгра ўзини ўраб турганларга бирма-бир нигоҳ ташлади ва яна унинг кўзи Берияга қадалди. Хамма кўрдик унинг нигоҳи табиий ва бамаъни эди. Энди нима бўлади? Дахшат! Ахир Бериянинг у ҳақда айтган ярамас сўзларига ҳеч ким қарши бормади-ку!

Берия Сталиннинг олдида чўкка тушиб, хўнграб йиглаб юборди.

— Хурматли ўртоқ Сталин, ахмокман, кечиринг, шафқат қилинг.

Молотов унинг ёқасидан ушлаб, четга суриб кўйди. Сталин кўзини юмди, гарчанд хануз нафас олаётган бўлса-да, унда бошқа тириклик аломати кўзга ташланмади.

— Хрущёв менга мана шундай эртақ айтиб берганди, — деб гапни тугатди Шолохов. — Мушук ва сичконлар ўйини...

Шолоховни хибсга олиш ҳақидаги ордерни йиртиб ташлаган НКВД ходими ҳақида икки оғиз сўз. У бир неча сутка Дон яқинидаги чўлда яшириниб юрди, аммо излаб топишди, қамашди ва қаттиқ кийнашди.

Эллик саккиз ёки эллик тўққизинчи йилда Шолоховнинг Москвадаги квартирасида бир гуруҳ ёзувчилар қандайдир муносабат билан яна тўпланишди. Ўтиришда Ефим Пермитин, Леонид Соболев, Фёдор Шамагонов, адабий нашрлар давлат комитети директори Григорий Владикин ва менга нотаниш, ўрта ёшдаги яна бир киши бор эди. Мен кечроқ келдим, Михаил Александрович мени нотаниш киши олдида олиб келиб, деди:

— Эслайсанми, мен сенга ёзувчи Шолоховни хибсга олиш ҳақидаги ордерни йиртиб ташлаган НКВД ходими ҳақида гапиргандим. Ўша одам шу. Таниш. Хозир министрлик парткоми секретари, менинг дилкаш дўстим Иван Семёнович Погорелов.

Танишдик, Михаил Александрович, ўз дўстига ишора қилиб:

— У ажойиб кўшикчи, — деди. — Кўшик айтағизми, а? — Ва паст овозда «Ўрдақлар учишмоқда» номли севимли қазакча кўшигини бошлади.

Огирлигини чап оёгига ташлаб, Погорелов ўрнидан турди, Шолоховни кучоклаб, худди шу охангда жўр бўлди:

— Ўрдақлар учмокда икки гоз билан...

Мана хаёт кандай. Хатто огир кулфат ҳам кўшик билан тугайди.

Рус тилидан Эсиргап БОЛИЕВ таржимаси